

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТАШХАНОВА ДИЛРАБО ИСКАНДАРОВА**

**ЧАЛА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР РЕТИНОПАТИЯСИНИ ЭРТА  
ТАШҲИСЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ  
ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ НАТИЖАЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ташханова Дилрабо Искандаровна**

Чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясини эрта ташҳислашнинг янги усулларини оптималлаштириш ва узоқ муддатли натижаларни таҳлил қилиш йўллари..... 3

**Ташханова Дилрабо Искандаровна**

Пути оптимизации новых методов ранней диагностики и анализ отдаленных исходов ретинопатии недоношенных..... 29

**Tashkhanova Dilrabo Iskandarovna**

Ways to optimize new methods of early diagnosis and analysis of long-term outcomes of retinopathy of prematurity..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТАШХАНОВА ДИЛРАБО ИСКАНДАРОВНА**

**ЧАЛА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР РЕТИНОПАТИЯСИНИ ЭРТА  
ТАШҲИСЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ  
ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ НАТИЖАЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib752 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.eye-center.uz](http://www.eye-center.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримова Муъссар Хамитовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мақсаева Сакинат Магомедовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Бузуков Батир Тулкунович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Академик С.Н. Фёдоров номидаги «Кўз микрохирургияси» соҳалараро илмий-техник комплекси «Миллий тиббий тадқиқот маркази» Федерал давлат автоном муассасаси**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» декабр кунини соат 13:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( N-0154 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «7» декабр кунини тарқатилди.

(2022 йил «7» декабр даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**А.Ф. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Ш.А. Джамалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.С. Қасимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раис уринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, бугунга келиб ер юзини 37 млн кўзи ожиз ва 124 млн кўриши паст бўлган инсонлар ташкил этади. Шунда ҳар бир тўртинчи бемор болалигида кўриш қобилятини йўқотган. 15 ёшгача бўлган болалар орасида 1,5 млн кўзи ожизлардир. Ҳар йили дунёда 15 миллионга яқин чақалоқлар эрта туғилади. ЖССТ маълумотларига кўра, “эрта туғилиш” атамаси ҳомиладорликнинг 22-нчидан 37-нчи тўлик ҳафтасигача бўлган даврда боланинг туғилишини англатади. Эрта туғилиш ҳолатлари барча туғилганларнинг 5-18% ни ташкил қилади<sup>1</sup>.

Кўплаб маълумотларга кўра, эрта туғилган чақалоқлар орасида кўз касалликлари ва кўриш аъзосининг ривожланишидаги аномалиялар ўз вақтида туғилган болаларга қараганда 5-10 баробар кўпроқ аниқланади. Беморларнинг ушбу тоифаси учун энг катта хавфни кўз тўр пардасининг етилмаган қон томирларини зарарлайдиган специфик касаллик -чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси (ЧТЧР) ташкил этади. Ҳозирги кунга келиб, ЧТЧР эрта туғилган чақалоқларда болалик давридаги кўрлик ва заиф кўриш сабаблари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Туғилиш вақтида бола қанчалик етилмаган бўлса, касаллик шунчалик кўпроқ кузатилиб, 500-1000 гр оғирликдаги болалар орасида 88-95% га етади<sup>2</sup>.

Ҳозирги вақтда чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланишининг 50 дан ортиқ хавф омиллари мавжуд. Бироқ ЧТЧР клиник кечишининг хавф омилларига мос келмаслиги ва тана вазни экстремал даражада паст бўлган болаларда касалликнинг бошланиши ва кечишини эрта ташхислашда мавжуд булган усуллар аниқлигининг пастлиги (ҳозирги кунда туғилгандаги тана вазни 380 грга тенг бўлган болалар тирик қолмоқда) ривожланиш ва жадаллашувини эрта ташхислашнинг янги усулларини излаш ва ишлаб чиқишни, шунингдек, ЧТЧРни даволашга қаратилган ёндашувларни ўзгартиришни ўта долзарб қилиб қўяди. Шу муносабат билан, маҳаллий ва ҳорижий олимлар томонидан ЧТЧР ривожланишини ташхислашнинг эрта усулини яратишга уринишлар қилинмоқда, аммо маълум усуллар машаққатли, қиммат ва клиник амалиётда кенг қўлланилиши чекланган.

Охирги ўн йилликда ЧТЧР билан боғлиқ кўрлик ҳолатлари ортиши, эрта туғилган чақалоқларга неонатал ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланганлиги сабабли, вазни экстремал даражада кам бўлган болаларнинг яшаб қолиш даражаси ортганлиги ўрта ва паст даромадли мамлакатларда қайд қилинган.

Ушбу диссертацион тадқиқот, маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16-мартдаги “Шошилинич тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4985-сонли, 2017-йил 20-июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига

<sup>1</sup> ЖССТ Биринчи Бутунжаҳон ҳисоботи , 10.2019

<sup>2</sup> Аветисов С.Э., Егоров Е.А., Мошетова Л.К., Нероев В.В., Тахчиди Х.П. Офтальмология. Миллий қўлланма. М., 2018. – 586-599 б.

ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли, 2018 йил 7-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5590-сонли қарорлари, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда тасдиқланган вазифалар ижросига хизмат қилмоқда<sup>3</sup>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси турли давлатлар олимлари томонидан ярим аср давомида ўрганилмоқда, бироқ ҳозирги кунга қадар ушбу касаллик ортидан кўзи ожизлар сони ўсишда давом этмоқда. Бу, биринчи навбатда, жуда эрта туғилган чақалоқларнинг яшаб қолиш даражасининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, улар орасида оғир шакллариининг учраши анча юқоридир. Хусусан, республикамизда мазкур муаммони ўрганишга бағишланган санокли адабиёт манбалари мавжуд.

Кўп йиллик олиб борилган клиник ва экспериментал тадқиқотларга қарамасдан, ушбу касалликнинг патогенези тўлиқ ўрганилмаган. Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ҳақидаги замонавий тасаввурлар унинг келиб чиқишидаги кўп омилли табиатининг тан олинисига йўналтирилади. Ҳозирги вақтда ушбу оғир касалликнинг 50 дан зиёд хавф омиллари аниқланган. Улардан асосийлари – туғилган вақтдаги кичик гестацион ёши ва кам вазнидир. (Аветисов С.Э., 2018).

Шу билан бирга, ушбу касалликнинг патогенези бўйича мавжуд назарияларнинг ҳар бири бошқа тадқиқотлар натижалари билан бир неча бор тасдиқланган ҳамда уларнинг ривожланиш механизмлари ва эрта туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланишининг туташ нуқталари аниқланади, аммо адабиётларда мавжуд чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланишидаги генетик белгиларнинг ўрни ҳақидаги маълумотлар кам сонли ва қарама-қаршидир (Рудько А.С., 2017). VEGF нинг энг функционал аҳамиятли полиморф вариантларидан бири rs2010963 полиморфизмидир, бу ген нуклеотидлар кетма-кетлигининг 634-позициясида Сни Гга алмаштиришдир. Адабиётларда rs2010963 С/Г полиморфик вариантыни нуклеотидлар билан алмаштиришда қон плазмасидаги VEGF даражасининг ортиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Бироқ, VEGF генининг rs2010963 ва ЧТЧР намоён бўлиши ўртасидаги муносабатлар ҳали ҳам ўрганилмаган соҳа бўлиб қолмоқда.

ЧТЧР патогенезини изоҳлашга қаратилган кўплаб гипотезалар мавжуд. А.Patz ва Н.Ashton (1955) теорияси классик бўлиб ҳисобланади, улар патологик жараённинг бифаз реакциясини тахмин қилганлар

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

(гипероксия/гипоксия фазалари алмашилиши): бошланғич бўғин – узок муддатли кислородли терапия вақтида кислороднинг қисман кучланиш даражасининг ортиши туфайли етилмаган тўр парда томирларининг вазоконстрикцияси, иккинчи бўғин – қон томирларининг бўшаб қолиши ва облитерацияси – қондаги кислороднинг қисман кучланиш даражасининг пасайиши оқибатида (нисбатан гипоксия шароитида) кейинчалик юзага келадиган патологик томирлар пролиферацияси билан периферик ретинал гипоксия ривожланади. Шунингдек, ўз тадқиқотларида Аветисов С.Э., Ревта А.М., Сайдашева Э.И. ривожланишнинг асосий кўзғатувчи механизми эрта туғилган чақалоқнинг узок муддатли гипероксигенациясининг тўр парда периферик гипоксияси билан алмашилиши эканлигини изоҳлаганлар.

Бошқа муаллифлар ЧТЧР ривожланишида кислород терапиясининг етакчи ўрнини инкор этиб, уни она қорин ичи ва неонатал гипоксия билан боғлайдилар. Гистологик тадқиқотларга кўра, ўлик туғилган чақалоқларда (47,6%) ва туғилгандан кейин биринчи 3 кун ичида вафот этганларда (41-69,5%) ЧТЧР мавжудлиги ЧТЧР ривожланишининг асосий сабаби сифатида кислородли терапияни истисно қилишга сабаб бўлади, экспериментал маълумотларга кўра, тўр парданинг неоваскуляризацияси кислород билан тўйиниш тўхтатилгандан фақат 1-4 кундан кейингина бошланади, унинг давомийлиги бир неча кун билан белгиланади. Бундан келиб чиқиб, ЧТЧР она қорнида ривожланиши эҳтимоли мавжуд деб хулоса қилиш мумкин (Шилова Н.А., 2018).

Ўзбекистонда ЧТЧР патогенези, клиникаси ва даволаш масалаларини ўрганиш муаммосига бир қанча илмий ишлар бағишланган. Усманова Ё.А., Хамраева Л.С. гестация муддати 36 ҳафтадан кам бўлган эрта туғилган чақалоқларни мониторинг қилиш муддатини ўрганиб, ЧТЧР билан касалланишининг юқори даражаси гестация даври 33 ҳафтагача ва тана вазни 1500 гр гача бўлган болаларда учраши тўғрисидаги хулосага келишди (Усманова Е.А., 2014).

Фақат маълум бир минтақа учун ген мутацияларининг популяция хусусиятларини дастлабки ўрганиш ҳамда ушбу касалликнинг генотиби ва фенотиби, биохимик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш, кўзнинг қон томирлари зарарланишидаги асоратларни эрта ташхислаш ва олдини олиш чораларида тўғри стратегия(йуналиш)ни танлашга имкон яратиши мумкин. Жаҳон олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилишига қарамасдан, республикамизда клиник, молекуляр-генетик ва биокимёвий тадқиқотлар асосида чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг эрта ташхисланиши ва ривожланиши масалаларини ҳал этиш бўйича фундаментал ишларни амалга ошириш зарур бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС 1.7. “Янги туғилган чақалоқларда полиорган етишмовчилиги синдромининг клиник ҳамда диагностик мезонларини, патогенетик даво усулларини ва прогнозини ишлаб чиқиш”

амалий лойиҳаси доирасида ва давлат дастурининг илмий йўналишларига мувофиқ бажарилган (2015-2017).

**Тадқиқотнинг мақсади** чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясини эрта ташхислашнинг янги усулларини оптималлаштириш ва узоқ муддатли натижаларни таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Янги туғилган чақалоқларнинг тана вазнига ва гестацион ёшига қараб ЧТЧР билан касалланишини аниқлаш

Эрта туғилган чақалоқларда кўрув аъзосининг ҳолатини гестацион ёшига қараб ўрганиш

Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланишининг асосий хавф омилларини ўрганиш

Детерминант генларининг мутант ва ёввойи аллеллари (VEGF) пайдо бўлиш частотасини ўрганиш ва нейроспецифик енолаза (NSE) даражасини қонда аниқлаш ҳамда ушбу белгиларнинг чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясини шакллантиришдаги ҳиссасини баҳолаш

Чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясини бошдан кечиргандан кейинги функционал прогноз ва узоқ муддатли асоратларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** РИПИАТМнинг эрта туғилган чақалоқларни парвариш қилиш бўлимидаги 99 нафар чала туғилган чақалоқлар ва 2-нчи туғруқ комплексида туғилган 55 нафар соғлом чақалоқлар, шунингдек, 2014-2020 йилларда РИКМИАТМда текширувдан ўтган ва хужжатларда тасдиқланган, анамнезида ЧТЧРни ўтказган 3-ойликдан 14-ёшгача бўлган 54 нафар болалар ташкил этди.

**Тадқиқотнинг предмети** текширилган болалар кўрув аъзосининг клиник ва функционал кўрсаткичлари, молекуляр-генетик ва иммунохимёвий тадқиқотлар кўрсаткичларидан иборат бўлди.

**Тадқиқотнинг усуллари:** тадқиқот иши бажарилиши жараёнида визиометрик, биомикроскопик, скиаскопик, авторефрактометрик, офтальмоскопик, молекуляр-генетик, иммунохимёвий тадқиқот усуллари ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Гестацион ёши ва тана вазнига қараб чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси чала туғилган чақалоқлар орасида 22,2% ни ташкил этган ва касалланишнинг гестацион ёши ва тана вазнига қараб тескари пропорционал боғлиқлиги исботланган;

Чала туғилган чақалоқлар кўрув аъзосининг барча қисмлари етук эмаслиги, уларнинг функционал ривожланишдан орқада қолиши аниқланган ва ушбу ўзгаришларнинг гестацион ёшига боғлиқлиги исботланган;

Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланиши учун асосий хавф омиллари туғилишдаги кичик гестацион ёш ва вазн камлиги, яъни чақалоқ етилмаганлиги исботланган. Бундан ташқари, бу болалар оғир соматик ва акушерлик-гинекологик анамнезга эга бўлган энг юқори хавф гуруҳидаги аёллардан туғилганлиги ҳамда ушбу патологияга эга болаларда полиорган етишмовчилиги борлиги исботланган;



Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси бўлган болаларда VEGFA гени C634G полиморфизмининг прогностик аҳамиятини ўрганиш натижасида VEGFA гени rs2010963 полиморфизмининг C/G va G/G функционал жиҳатдан ноқулай генотиплари чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясига мойил бўлган генетик омил эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ретинопатияни аниқлаш учун барча чала туғилган чақалоқларнинг бирламчи профилактик текширувларини, яъни неонатолог ва офтальмологнинг биргаликдаги ишини ҳаётнинг 3-4 ҳафтасидан кечиктирмай оқилона ташкил этиш лозим.

Кам вазнли эрта туғилган чақалоқларнинг туғилишини ва чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг ривожланиш хавфини камайтириш учун ҳомилани кўтара олмасликнинг, оналардаги ноҳўя акушерлик ва гинекологик анамнезининг олдини олиш зарурати мавжуд.

VEGF A генининг rs2010963 полиморфизмининг юқори даражаси уни ЧТЧР ривожланиш хавфининг доминант молекуляр-генетик белгиси сифатида кўриб чиқишга ва ундан прогностик тест сифатида фойдаланишга имкон беради.

Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси бўлган болаларда юқори NSE даражаси нафақат ГЭБ зарарланишининг белгилари, балки зарарнинг бирлашган, чуқурроқ табиатини (гипоксия, интоксикация, яллиғланиш) акс эттиради, бу чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланишида бошланғич омил сифатида тўр парда гипоксиясининг ўрнини исботлаб беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий тадқиқотларда назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланиш, беморларнинг етарлилиги, замонавий офтальмологик тадқиқот усулларида фойдаланиш билан тасдиқланган, шунингдек, клиник ва молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида прогнозлар билан тасдиқланган. Чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг ривожланиши ва жадаллашуви ҳорижий тадқиқотлар маълумотлари билан таққосланган. Олинган барча натижалар ҳамда хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик ишлов бериш натижаларининг ишончлилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, акушерлик анамнези, онанинг экстрагенитал ва генитал патологияси ҳамда кўрув аъзосининг клиник ва функционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарқалиши, ривожланиш учун хавф омиллари бўйича олинган маълумотлар гестацион ёшга боғлиқ ҳолда республикада ушбу соҳадаги кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Олинган офтальмологик, молекуляр-генетик ва иммунокимёвий тадқиқотлар динамикаси бўйича олинган маълумотлар чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланиши, ташҳиси ва даволаш хавфини башорат қилишни мукаммаллаштиради. Тадқиқот натижалари тиббий ва тиббий-биологик ОТМларининг ўқув жараёнида ҳам қўлланилиши мумкин.

Диссертацион тадқиқотнинг амалий аҳамияти чала туғилган чақалоқ кўрув аъзосининг аниқланган клиник ва функционал хусусиятлари офтальмологик тадқиқотларни тўғри талқин қилишга ва касалликни ўз вақтида ташхислашга ёрдам бериши билан изоҳланади. Чала туғилган чақалоқнинг гестацион ёши ва тана вазнига қараб, ЧТЧР билан касалланишнинг ўрганилган кўрсаткичлари парвариш шароитларини яхшилайти, шунингдек, неонатал танлов мезонларини аниқлаш ва эрта туғилган чақалоқларнинг дастлабки ва кейинги текширувлари муддатини белгилайди. ЧТЧР билан касалланган болаларда VEGF A генининг мутант генотиби G / G ни ташишда аниқланган 15 баробардан зиёд ўсиш (36,4% га нисбатан 3,6% га) ушбу усулдан чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг маркери прогностик белгиси сифатида фойдаланишни тавсия қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оғир ҳолатдаги янги туғилган чақалоқларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси бўлган болалар қонидаги нейроспецифик енолаза прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июлдаги 8н-р/231 маълумотномаси). Натижада иммунокимёвий тадқиқотлар динамикаси бўйича олинган маълумотлар чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланиш хавфини эрта ташхислаш имконини берган;

«Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси бўлган болалар қонидаги VEGFA генининг C634G полиморфизми прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июлдаги 8н-р/232 маълумотномаси). Натижада ўтказилган молекуляр-генетик текширувлар чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланишига сабаб бўлувчи мутант генларни аниқлаш имконини берган;

Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда 2-нчи шаҳар туғруқ комплексининг даволаш фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 октябрдаги 8н-з/376-сон маълумотномаси). Олинган натижалар чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси билан касалланиш ҳолатларини аниқлаш ва эрта ташхислаш, муддатидан олдин туғилган чақалоқлар орасида кўрув аъзосининг асоратлари сонини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан, 9 та мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 2 таси нуфузли хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси муаммосининг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси эпидемиологияси, патогенезининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш хавф омиллари, таснифи, шунингдек, узоқ муддатли натижаларга бағишланган 7 кичик боблардан ташкил топган адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот берилган, ушбу соҳадаги халқаро тадқиқотларнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал умумий тавсифи ёритилган. Кўрув аъзосининг хусусиятларини, туғилиш пайтидаги боланинг тана вазнига ва гестацион ёшига қараб ЧТЧР билан касалланиш даражасини ўрганиш учун 99 нафар эрта туғилган чақалоқ офтальмологик текширувдан ўтказилди, уларнинг гестация муддати 26-нчи дан 37-нчи тўлиқ ҳафтагача бўлган (ўртача ГЁ  $32,6 \pm 0,3$  ҳафта), туғилиш пайтидаги тана вазни, гестацион ёшига қараб, 790 дан 2700 граммгача бўлган (ўртача  $1846,5 \pm 54,3$  грамм), оғир перинатал анамнез ва оғир соматик патология мавжудлиги туфайли ЧТЧР хавфи юқори эди. Улардан 11 нафарини (7,1%) эгизак ва уч эгизаклар ташкил этди. Қизлар 61 нафар (61,6%), ўғил болалар - 38 нафарни (38,4%) ташкил этдилар.

Назорат гуруҳини 55 нафар муддатига етиб, якка ҳомиладорликдан туғилган, ҳомиладорлик муддати 38-41 ҳафта (ўртача ГЁ  $39,2 \pm 0,12$  ҳафта), туғилиш вазни 2742-4200 гр (ўртача  $3522 \pm 57,5$  гр) бўлганлар ташкил этди. Ушбу гуруҳда қизлар 44 нафар (80%), ўғил болалар – 11 нафарни ташкил қилди (20%).

Хавф омилларини аниқлаб, қондаги VEGF детерминантлари генларининг мутант ва ёввойи аллеллари пайдо бўлиши частотасини ўрганиш, ушбу белгиларнинг чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг шаклланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш учун ва нейроспецифик енолаза (NSE) даражасини аниқлаш учун эрта туғилган 54 нафар чақалоқлар текширилди:

- Асосий гуруҳ А - 32 нафар чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланиши кузатилмаган эрта туғилган чақалоқлар;

- Асосий гуруҳ В - 22 нафар чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланиши кузатилган эрта туғилган чақалоқлар;

- Назорат гуруҳи - 55 нафар муддатига етиб туғилган чақалоқлар.

Кўрув аъзосининг клиник-функционал ҳолатини ҳамда ЧТЧРни ўтказгандан кейинги узоқ муддатли натижаларни ўрганиш учун Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида 3 ойликдан 14 ёшгача бўлган ҳужжатларда тасдиқланган, анамнезида ЧТЧРни ўтказган 54 нафар болалар текширилди, уларнинг 34 нафарини қизлар (63%) ва 20 нафарини ўғил болалар (37%) ташкил этди.

ЧТЧР билан касалланган беморлар кўрув аъзоси ҳолати қуйидаги усуллар билан аниқланган:

1. Клиник текширувлар. Беморларнинг кенг қамровли офтальмологик текшируви ва махсус тадқиқот усуллари қуйидагилардан иборат бўлди: Пейпер рефлексини аниқлаш, визометрия, тонометрия, биомикроскопия, тўғри ва тескари офтальмоскопия;

2. Ретроспектив таҳлил (оналарда акушерлик ва гинекологик анамнез ҳамда экстрагенитал патологияни таҳлил қилиш, шунингдек, янги туғилган чақалоқ касалликларини таҳлил қилиш);

3. Инструментал текширувлар (нейросонография - ноинвазив диагностика усули, яъни бош миани ультратовушли сканерлаш);

4. Статистик таҳлил. Олинган маълумотлар ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (s), стандарт хато (m) ва нисбий қийматларни (частота,%) ҳисоблаш билан статистик таҳлил дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов беришдан ўтказилди. Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар учун ишончлилик даражаси  $P < 0,05$  сифатида қабул қилинди;

5. Молекуляр-генетик текширувлар. VEGF-A генининг C634G полиморфизмининг ПЦР генотипланиши РИГИАТМ молекуляр-генетик лабораториясида ўтказилди. Периферик қондан ДНК изоляцияси стандарт Рибо-сорб (AmpliSens®, Россия) тўплами ёрдамида амалга оширилди. VEGF-A ген C634G полиморфизмининг ПЦР генотипланиши ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ, МЧЖ «Литех» (Москва) тест тўпламидан фойдаланган ҳолда «Applied Biosystems» 2720 термоциклер қурилмаси (АҚШ) ёрдамида амалга оширилди. Қутилган ва кузатилган генотиплар частоталарининг каноник Харди-Вайнберг тақсимотидан четланишини баҳолаш «GenePop» компьютер дастури ёрдамида амалга оширилган;

6. Иммунокимёвий таҳлил. Асосий ва назорат гуруҳларидаги барча янги туғилган чақалоқларда қон зардобдаги NSE концентрациясининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш учун «Fugirebio» стандарт тўпламлари билан рақобатбардош ИФА усули «Hospitex» (Италия) компаниясининг "Platoscinn" ИФА ярим автоматик қурилмасида амалга оширилди. NSE текшируви туғилишида (киндик қони), периферик қонда 3-5-кун ва 28-кунларда ўтказилди.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг клиник натижалари» номли учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида 2014-2020 йиллар мобайнида муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг кўрув аъзоси хусусиятлари, пайдо бўлиш частотаси, юзага келиш хавф омиллари ва узоқ муддатли оқибатларини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ЧТЧР барча янги туғилган чақалоқлар орасида 14,3% (22) ва эрта туғилган чақалоқлар орасида 22,2% (22) да аниқланган. ЧТЧР частотасининг туғилиш пайтидаги тана вазнига аниқ боғлиқлиги аниқланди. Оғирлиги 1000 гр дан кам бўлган 11 нафар болада 9 (81,8%) ҳолатда ЧТЧР аниқланган. Тана вазнининг ортиши билан касаллик аста-секин камайган. Бундан ташқари, тана вазни 1001-1500 гр бўлган 20 нафар боладан 10 нафарида (50%), 1501-2000 гр гача бўлган 20 нафар боладан 3 нафарида (15%) ЧТЧР аниқланган. Туғилгандаги тана вазни 2000 гр гача бўлган 48 нафар муддатидан аввал туғилган болаларда оғир соматик ҳолат ва узоқ давом этган кислород билан даволашга қарамасдан ЧТЧР ривожланмаган.

### 1-жадвал

#### Тана вазнига қараб янги туғилган чақалоқларда ЧТЧР учраш частотаси

Туғилгандаги тана вазни (гр)	Муддатидан олдин туғилган чақалоқлар сони (n=99)		ЧТЧР бўлган муддатидан олдин туғилган чақалоқлар сони (n=22)	
	Абс.	%	Абс.	%
1000 гр дан кам	11	11,1%	9	81,8%
1001-1500 гр	20	20,2%	10	50%
1501-2000 гр	20	20,2%	3	15%
2000 гр дан кўп	48	48,5%	0	0%

Изоҳ: \* - гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги  $p < 0,05$

ЧТЧР частотаси гестацион ёшига ҳам боғлиқлиги қайд этилган. Ҳомиладорликнинг 30 ҳафтасига қадар туғилган 24 нафар чақалоқнинг 13 нафарида (54,2%), 31-34 ҳафталик 46 нафар муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг 9 нафарида (19,6%) ЧТЧР аниқланган. 35 ҳафтадан кейин туғилган 29 нафар муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ЧТЧР аниқланмади.

### 2-жадвал

#### Гестацион ёшига қараб ЧТЧР учраш частотаси

Туғилгандаги гестацион ёш (ҳафта)	Муддатидан олдин туғилган чақалоқлар сони (n=99)		ЧТЧР билан касалланган муддатидан олдин туғилган чақалоқлар сони (n=22)	
	Абс.	%	Абс.	%
30 ҳафтагача	24	24,2%	13	54%
31-34 ҳафта	46	46,5%	9	19,6%
35-37 ҳафта	29	29,3%	0	0

Изоҳ: \* - гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги  $p < 0,05$

3-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, кўпчилик болаларда - 78 (78,8%) касаллик белгилари кузатилмаган, 22 болада (22,2%) касалликнинг турли босқичларида чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланган. Шу билан бирга, унинг дастлабки I ва II босқичлари аниқланган ЧТЧРнинг кўп қисмини - 66,7% (28 кўз)ни ташкил этди, улардан 67,9% (19 кўз) спонтан регрессия билан яқунланди ва 21,4% (9 кўз) касалликнинг III босқичига қадар юқорига кўтарилди. Чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг III босқичига хос бўлган тўр пардадаги ўзгаришлар 6 (14,3%) кўзда кузатилган. Улардан 4 нафарида (66,7%) жараённинг кам тарқалганлиги (1-2 соатлик меридианлар) туфайли дастлабки икки босқичдаги каби спонтан регрессия кузатилди. Аммо, афсуски, 2 (33,3%) кўзда экстраретинал ўсиш зонаси 5 дан зиёд кетма-кет меридианларга тарқалди ва касалликнинг деярли қайтмас IV босқичига ўтди. Ҳаммаси бўлиб, 35,7% (15 кўз) да чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси III босқичи ташҳиси қўйилган. Тўр парданинг қисман кўчиши ташҳиси (ЧТЧР IV босқичи) жараёнда макула зонаси иштирокида 1 (2,4%) кўзга ва макула зонаси иштирокида 2 (4,8%) кўзга қўйилган. Шунингдек, 2 (4,8%) кўзда тўр парданинг тотал кўчиши (ЧТЧР V босқичи) аниқланган. Орқа агрессив ЧТЧР ташҳиси 7,1% ҳолларда (3 кўз) қўйилган. Касалликнинг ушбу шакли тез жадаллашувчи ва тўлқинсимон кўринишга эга бўлганлиги сабабли, прогноз ёмон бўлган ва касалликнинг терминал босқичлари ривожланиши билан яқунланди.

### 3-жадвал

#### Эрта туғилган чақалоқлар орасида ЧТЧРни босқичма-босқич аниқлаш (abs, %)

ЧТЧР босқичи	Муддатидан олдин туғилган чақалоқлар орасида ЧТЧР учраши частотаси (n=198 глаз)		ЧТЧР билан касалланган болаларда пайдо бўлиш частотаси (n=42 глаза)
	Abs	%	%
Соғлом	156	78,8%	-
I босқич ЧТЧР	18	9,1%	42,9%
II босқич ЧТЧР	10	5,1%	23,8%
III босқич ЧТЧР	6	3,1%	14,3%
IV босқич ЧТЧР	3	1,5%	7,1%
V босқич ЧТЧР	2	1,0%	4,8%
Орқа агрессив ЧТЧР	3	1,5%	7,1%

18 (42,9%) кўзда чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси билан касалланган болаларнинг асосий гуруҳида дастлабки текширувда кўз туби перифериясида, кон томир ва аваскуляр тўр парда чегарасида тўр парда чегарасида демаркацион чизиқ (I босқич) тўр парданинг текислигида

жойлашганлиги аниқланди. Худди шу гуруҳда 10 (23,8%) кўзда сарғиш "баландлик" (тизма, яъни касалликнинг II босқичи) кузатилиб, бироз шишасимон тана томонга силжиган. Тизма олдидаги тўр парда томирлари бироз кенгайган ва буришган. Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси III босқичига (экстраретинал фиброваскуляр пролиферация) хос бўлган тўр парда ўзгаришлари асосий V гуруҳидаги 6 нафар (14,3%) кўзда кузатилган, кўзнинг орқа полюсида қон томирлар фаоллиги ва шишасимон танада экссудация кучайиши билан тавсифланади. 1 (2,4%) кўзда макула зонаси жараёнга жалб қилинмасдан, 2 (4,8%) кўзда макула зонаси жараёнга жалб қилинган ҳолда тўр парданинг тракцион-экссудатив характердаги қисман кўчиши (ЧТЧР IV босқичи) аниқланган. Шунингдек, тўр парданинг тотал кўчиши (ЧТЧР V босқичи)да шишасимон тананинг яққол намоён бўлган деструкцияси ва унда бўшлиқлар пайдо бўлиши ҳисобига воронка шаклига эга бўлган ва 2 нафар (4,8%) кўзда аниқланган. Кўзнинг орқа полюсида (1-зона) периферик тўр парданинг тўлиқ васкуляризацияси билан бир қаторда, чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг орқа агрессив шаклига хос бўлган қон томир ўзгаришлари аниқланди ва 3 (7,1%) кўзда кузатилди: аномал шохланиши, магистрал қон томирларнинг кескин буралиши ва кенгайиши, артериовеноз шунтлар, телеангиоэктазиялар шаклланиши, кўз тубида қон қуйилишлар ва экссудатив реакциялар мавжудлиги.

Орқа агрессив ретинопатия ташҳиси, шунингдек, терминал IV ва V босқичлари барча ҳолларда дастлабки текширув вақтида қўйилди. Беморларнинг 4,6% да зарарланиш табиати бир томонлама, 31,8% да икки томонлама симметрик, 63,6% ҳолларда эса зарарланиш босқичининг ассимметрияси аниқланган.

Шундай қилиб, барча янги туғилган чақалоқлар орасида чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси 14,3% ни, вазни 2000 гр дан кам ва гестацион ёши 34 ҳафтадан кам бўлганларда чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси билан касалланиш даражаси 22,2% ни ташкил этди ва туғилиш вазни ҳамда гестацион ёши билан аниқ тескари боғлиқлик аниқланди.

Офтальмологик амалиётда зарур бўлган, муддатидан олдин туғилган чақалоқнинг кўрув аъзоси хусусиятлари ўзига хос бўлди.

Кўрув аъзосини қиёсий баҳолаш ўта муҳим кўрсаткичларни аниқлади: муддатидан олдин туғилган чақалоқларда 100% ҳолларда кўз ёшланиши ва шох парда сезувчанлигининг йўқлиги, гестацион ёшига боғлиқ бўлган шох парда опалесценцияси, қорачикаро мембрана ва тўр парданинг аваскуляр соҳаларининг мавжудлиги кузатилган. Бундан ташқари, муддатидан олдин туғилган чақалоқлар учун КНД кулранг-сарик ранги, чегаралари ноаниқлиги ва қон томирлар воронкаси яққол намоён бўлмаганлиги, шунингдек 100% макуляр рефлекс йўқлиги ва макуляр зона ривожланмаганлиги хос бўлган. (4-жадвал)

## Янги туғилган чақалоқлар кўрув аъзосининг ҳолатини қиёсий баҳолаш

Янги туғилган болалар		
	Муддатига етиб туғилган болалар	Муддатидан олдин туғилган болалар
Пейпер рефлекси	Мусбат (95%)	Мусбат (61%)
КТГЎ (ўртача)	14,3±0,3 мм	12,8±0,6 мм
Ёшланиши	Кузатилган (15%)	Кузатилмаган (100%)
Шох парда	9,5±0,2 мм тиниқ, сезувчанлиги бор (100%)	8,4±0,3 мм Опалесценция мавжуд, сезувчанлик пасайган (37%)
Конъюнктура	ялтироқ, сезувчанлик кузатилган (100%)	ялтироқ, сезувчанлик кузатилмаган (100%)
Рангдор парда расми	Яққол намоён бўлган (100%)	Бир маромда, кам намоён бўлган (64%)
Қорачиқ диаметри, ёруғликка реакцияси	3, 0-3,5 мм, яққол (100%)	1,5-2,0 мм, суст (51%), қорачиқаро мембрана мавжуд (16%)
Гавхар	Тиниқ (100%)	Тиниқ (100%)
Кўрув нерви диски	Оч-пушти, думалоқ шаклда, чегаралари аниқ, қон томирлар воронкаси мавжуд (100%)	Кулранг-сарик, думалоқ шаклда, чегаралари ноаниқ, қон томирлар воронкаси намоён бўлмаган (100%)
Макуляр зона	Макуляр зона ривожланган (100%)	Макуляр зона дифференциация қилинмайди (100%)
Аваскуляр зона	Кузатилмаган (100%)	Периферияда мавжуд (47%)

Шундай қилиб, муддатидан олдин туғилган чақалоқ кўрув аъзосининг барча қисмлари етук бўлмаган ва уларнинг функционал ривожланиши кечиктирилган. Ушбу ўзгаришлар гестацион ёшга боғлиқ бўлган. Боланинг кювезда бўлиши, шох парда опалесценцияси ёки томирли эмбрионал мембрана мавжудлиги сабабли кўз муҳитининг етарли даражада шаффоф эмаслиги, шунингдек, боланинг умумий оғир соматик ҳолати офтальмологик текширувни қийинлаштиради.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, янги туғилган чақалоқлар оналарининг соматик патологияси таркибида кўпинча, айниқса асосий В гуруҳида анемия (45,5%), юрак-қон томир касалликлари ва жинсий аъзоларнинг инфекциялари устунлик қилади, бу тенг миқдорда 31,8% ташкил этди. Ушбу ҳолат муддатидан аввалги туғруқ ва ҳомила гипоксиясига олиб келган.





**1-расм. Ҳомиладорлик мобайнида оналардаги экстрагенитал патологиялар частотаси**

Оналарнинг ҳамроҳ соматик патологияси ҳомиладорликнинг ўзига оғир таъсирини кўрсатди ва таҳлил кўрсатганидек, 5-жадвалда кўрсатилган куйидаги ҳолатларга олиб келди. Жадвалдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳларда, айниқса чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси бўлган болалар гуруҳида ҳомилани муддатига етказа олмаслик (77,3%), гестоз (45,5%), сурункали ҳомила гипоксияси (36,4%) ва давомли сувсиз давр (31,8%) билан касалланиш сезиларли даражада ошди.

**5-жадвал  
Оналардаги акушерлик анамнези, ҳомиладорлик ва туғруқ кечишининг ўзига хос хусусиятлари**

Ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши	Янги туғилган чақалоқлар оналари (n=109)		
	Назорат гуруҳи n=55	Асосий А гуруҳи n=32	Асосий В гуруҳи n=22
Гестоз	3(5,5%)	13(40,6%)*	10(45,5%)*
Қониқарсиз акушер-гинекологик анамнез, аввалги болалар кам ваздли	1(1,8%)	5(15,6%)*	5(22,7%)*

бўлганлиги			
Ҳомилани муддатига етказа олмаслик хавфи	8(14,5%)	24(75%)*	17(77,3%)*
Плацента кўчиши	5(9%)	6(18,8%)	5(22,7%)
Кўпсувлик	2(3,6%)	6(18,6%)*	4(18,1%)
Давомли сувсиз давр	12(21,8%)	9(28,1%)	7(31,8%)
Сурункали ҳомила гипоксияси	2(3,6%)	6(18,6%)*	8(36,4%)*

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан t-тести бўйича сезиларли фарқ ( $p < 0,05$ ).

Тадқиқотларимиз натижасида маълум бўлдики, юқори даражадаги хавфга эга бўлган аёлда уч ёки ундан ортиқ тана тизимлари дисфункцияларининг комбинацияси кўпинча ҳомиланинг турли патологияларига олиб келиши аниқланди. Ҳомиладорликнинг асоратлари фетоплацентар етишмовчилик ва сурункали ҳомила гипоксияси ривожланишини олдиндан белгилаб қўйган, бу эса ҳаётий кўрсаткичларга кўра муддатидан олдин эрта туғдиришнинг сабаби бўлган.

Асосий гуруҳдаги болаларда касалланиш таркибида комбинацияланган патология устунлик қилган. Кенг қамровли клиник ва инструментал текширув асосида барча болаларга перинатал МНС зарарланиши ташҳиси қўйилган: гипоксик-ишемик ва ишемик-геморрагик. Муддатига етиб туғилган чақалоқлар гуруҳида МНСда патология аниқланмади. Кузатилган болаларнинг касалланиш таркиби 6-жадвалда келтирилган.

Асосий гуруҳнинг болалари, айниқса ЧТЧР бўлган гуруҳда тенг миқдорда НБС ва МНСнинг ГИЗ 100%да, ЎСВ зарурати 90,9% да ва бош мия ИҚҚ 63,6% ҳолларда кузатилган.

3 ва ундан ортиқ тизимларнинг зарарланиши 100% ҳолларда асосий гуруҳларнинг болаларида ташҳисланган, бу эса муддатидан олдин туғилган “етилмаган” критик ҳолатдаги болаларда барча аъзолар ва тизимларнинг иштирокини кўрсатади.

#### 6-жадвал

#### Кузатувдаги болаларнинг касалланиш структураси


Янги туғилган чақалоқлар касалланиш кўрсаткичлари	Янги туғилган чақалоқлар сони (n=109)					
	Назорат гуруҳи n=55		Асосий А гуруҳ n=32		Асосий В гуруҳ n=22	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Қорин ичи пневмонияси	0	0	3	9,4	7	31,8*
Нафас бузилишлари синдроми	0	0	13	40,6*	22	100

ЎСВ аппаратиغا эҳтиёж	0	0	9	28,1*	20	90,9*
МНСнинг гипоксик-ишемик зарарланиши	0	0	32	100	22	100
Бош миянинг интравентрикуляр қон қуйилишлари	0	0	11	34,3*	14	63,6*
Қорин ичи ривожланишдан ортида қолиши	0	0	5	15,6*	5	22,7*
Қорин ичи сепсиси	0	0	3	9,4	4	18,1*

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан t-testi бўйича сезиларли фарк ( $p < 0,05$ ).


Шундай қилиб, ЧТЧР билан оғриган болалар оғир соматик ва акушерлик-гинекологик анамнезга эга бўлган энг юқори хавф гуруҳидаги аёллардан туғилганлиги ва бу патологияга эга бўлган болалар кўп аъзолар етишмовчилиги билан тавсифланганлиги аниқланди. Хавф гуруҳидаги болаларда чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясининг ривожланиши оғир соматик патология фонида ҳам тез-тез қайд этилган. Чала туғилган чақалоқлар ретинопатияси ривожланишининг хавф омилларидан бири бу муддатидан олдин туғилган чақалоқларда юрак-қон томир, нафас олиш ва асаб тизимларининг неонатал патологияси натижасида ривожланадиган тизимли ва аъзоларнинг гипоксиясига олиб келадиган қон айланишининг тўр парда гипоксиясидир.

Бизнинг маълумотларга кўра, ЧТЧР бўлган 54 нафар болаларнинг 17 нафари (31,5%) ҳаёт сифатига таъсир қилувчи умумий соматик ёки неврологик патология туфайли ногирон бўлган: БМФ (2 нафар), нутқ ва психомотор ривожланишининг кечикиши (6 нафар), карлик (3 нафар), туғма юрак нуқсони (4 нафар), эпилептик тайёрлик (2 нафар).



**2-расм. Ҳамроҳ умумсоматик патология**

3-расмдан кўриниб турибдики, кечки асоратларнинг ривожланиши 74 нафар кўзда (68,5%) ўтказилган ЧТЧР дан кейинги турли даражадаги қолдиқ ўзгаришлар билан бирга аниқланди: ғилайлик 46 кўзда (42,6%), амблиопия 20 кўзда (18,5%), катаракта 1 кўзда (0,9%), тўр парда кўчиши 11кўзда (10,2%), кўз олмаси субатрофияси 8 кўзда (7,4%), тўр парда витреохориоретинал дистрофияси 23 кўзда (21,3%), кўрув нервнинг қисман атрофияси 4 кўзда (3,7%) ва горизонтал нистагм 10 кўзда (9,3%).




**3-расм. Кечки кўз ичи асоратлари**

Рефракцион аномалиялар орасида (4-расм) миопия 20 та кўзда аниқланган (18,5%), улардан миопиянинг юқори даражаси 4 та кўзда (3,7%),

миопиянинг ўрта даражаси – 3 та кўзда (2,8%), миопия енгил даражаси – 13 та кўзда (12%). Миопик астигматизм 21 та кўзда (19,4%) аниқланган.

Гиперметропия 15 та кўзда аниқланган (13,8%), улардан гиперметропия юқори даражаси 9 та кўзда (8,3%), гиперметропия ўрта даражаси 6 та кўзда (5,6%). Гиперметропик астигматизм 10 та кўзда (9,3%) аниқланган.

7 нафар (13%) беморларда 3 дптр дан юқори анизометропия аниқланган. Ушбу беморларда якқол намоён бўлган амблиопия кузатилган.



4-расм. Кечки рефракцион асоратлар

Мушаклар касалликлари орасида ғилайлик 46 та кўзда кузатилган (42,6%) кузатилган, улардан ҳамкорликдаги ичкарига оған ғилайлик 20 та кўзда (18,5%), ҳамкорликдаги ташқарига оған ғилайлик 25 та кўзда (23,1%), паралитик ичкарига оған ғилайлик 1 та кўзда (0,9%). Монокуляр ғилайлик 12 та кўзда (11,1%), алмашинувчи 34 кўзда (31,5%) аниқланган.

Шундай қилиб, ЧТЧРнинг узок муддатли функционал натижаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, кечки асоратлар, айниқса мушак касалликлари (42,6%), витреохориоретинал дистрофия (21,3%) ва турли даражадаги амблиопия (18,5%) юқори учраш даражасига эга касалликларни ташкил этди.

Диссертациянинг «Текширилган янги туғилган чақалоқларда молекуляр-генетик ва иммунокимёвий кўрсаткичларнинг натижалари» деб номланган тўртинчи бобда 7-8-жадвалда ўзбек миллатига мансуб касал ва шартли соғлом донорларда полиморфизм аллеллари ва генлари частотаси таҳлили натижалари келтирилган. VEGFA генининг С634G полиморфизми генотиpleri ва аллелларининг частота тақсимоти иккала гуруҳда ҳам кутилган Харди-Вайнберг мувозанати қонунига мос келиши аниқланди ( $p > 0,05$ ).

**Бемор ва назорат гуруҳларида VEGFA генининг C634G полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси**

Гуруҳлар	Аллеллар частотаси				Генотиплар					
	C		G		C/C		C/G		G/G	
1. Асосий гуруҳ n=54	72	66,7%	36	33,3%	28	51,8%	16	29,6%	10	18,5%
А. ЧТЧР бўлмаган эрта туғилган чақалоқлар n=32	56	87,5%	8	12,5%	26	81,2%	4	12,5%	2	6,3%
В. ЧТЧР бўлган эрта туғилган чақалоқлар n=22	16	36,4%	28	63,6%	2	9,1%	12	54,5%	8	36,4%
2. Назорат гуруҳи n=55	94	85,4%	16	14,5%	41	74,5%	12	21,8%	2	3,6%

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, "G" аллелини ташиш эрта туғилган чақалоқларда ретинопатия ривожланиш эҳтимолини соғломларга нисбатан 10 баравар оширди. Бундай ҳолатда, бизнинг тадқиқотимиздаги ёввойи аллел "C" чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясига мойиллиги йўқлиги билан боғлиқ ҳамда, эҳтимол, касалликнинг ривожланишига нисбатан ҳимоя характериға эға.

**Ўрганилган гуруҳларда VEGFA генининг rs2010963 полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари пайдо бўлиш частотасидаги фарқлар**

Аллеллар ва генотиплар	Ўрганилган аллеллар ва генотиплар сони		Статистик фарқи
	Асосий гуруҳ	Назорат	
Аллель C	72	94	* $\chi^2=10.6$ ; P=0.001; OR=2.9; 95% CI 1.51- 5.7
Аллель G	36	16	
Генотип C/C	28	41	* $\chi^2=6.0$ ; P=0.01; OR=0.4; 95% CI 0.16- 825
